

## **Боку шаҳрида ўтказилган халқаро бокс турнирида фурқатлик боксчи олтин медални қўлга киритди**

Жорий йилнинг 23 март - 2 апрел кунлари Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида "Хейдар Алиев-2023" халқаро турнири бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақада 10 га яқин мамлакат боксчилари иштирок этишди. Мусобақа якунга кўра, турнирда 8 нафар иштирокчи билан қатнашган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси вакиллари 7 та медалга эга чиқиши.

Эътиборли томони шундаки, ушбу турнирда совриндорлар қаторида, Фурқат тумани спорт мактаби тарбияланувчиси, "Ингичка" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Паҳлавон Иброҳимов ҳам жой олган.

16 ёшли боксчи Паҳлавон Иброҳимов 57 кг вазн тоифасида Паҳлавон Иброҳимов турнирнинг финал босқичида россиялик рақибини 3 раундли жангда очколар ҳисобига мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритиб юртимиз байроғини яна бир бор юксакларга кўтарди.

Бугун туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов секторлар раҳбарлари ҳамроҳлигида боксчиларни қутлаш учун спорт мактабида ташкилланган учрашувга ташриф буюрди.

Туман раҳбари ёш боксчининг эришган муваффақияти билан қутлаб, келгуси спорт баҳсларида янада улкан ғалаба ва зафарлар ёр бўлишини тилаб, эсадалик совғалари топширилди.

Маълумот ўрнида: Фурқат тумани спорт мактабида спортнинг 11 тури бўйича 1059 нафар спортчилар малакали спорт мураббийларидан спортнинг сирларини ўрганмоқда. Тарбияланувчилардан 30 нафари Ўзбекистон чемпионатида, 4 нафари Осиё чемпионатида, 4 нафари Жаҳон чемпионатларида муносиб қатнашиб юртимизни дунёга танитишда ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

2023-04-03 21:13:26